



# МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№10 (40) 7.03.2019 йил

8 март — Халқаро хотин — қизлар куни!

*Мўтабар онахонлар, муҳтарама аёллар,  
азиз опа-сингиллар!  
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги  
барчангизни баҳор айёми, нафосат ва садоқат,  
меҳру муҳаббат байрами — 8 Март — Халқаро  
хотин-қизлар куни билан самимий муборакбод  
этади! Оилангизга хотиржамлик ва фаровонлик,  
ўзингиз ва барча яқинларингизга соғлик-  
саломатлик, бахт ҳамиша ҳамроҳ бўлишига  
тилакдошимиз!*

**Байрамингиз  
муборак бўлсин!**

Ушбу сонда

Фатхулла МАЪСУДОВ:  
**“Отамнинг бир  
ўғити доим  
ёдимда туради”**



5-саҳифада >>

**Хотира: бетакрор  
ижод соҳибаси**



4-саҳифада >>


**Халфачилик  
санъати**

Халфачиликнинг пайдо бўлиш тарихи жуда қадим замонларга, аниқроғи, антик даврларга бориб тақалади.

3-саҳифада >>

Халқаро алоқалар

## Ичан қалъани тиклаш учун қўшимча инвестициялар



4 март куни Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев Хитой Халқ Республикаси Савдо вазирлиги вакиллари қабул қилди.

2017 йил 24 мартда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан ХХР Савдо вазирлиги ўртасида Хоразм вилояти тарихий-маданий объектларини реставрация қилиш бўйича грант маблағи ажратиш тўғрисида битим имзоланган эди.

Давоми 2-саҳифада >>

Аждодларимиз



## Мармар тошга битилган ҳикматлар

Бу йил ўзбек адабиёти ривожига барақали ҳисса қўшган хушнафас шоир, тарихчи олим, таржимон Муҳаммадризо Огаҳийнинг 120 йиллиги кенг нишонланади. Унинг ижодий меросида “Таъвиз ул-ошиқин” (Ошиқлар тумори) алоҳида ўрин тутади. 18 минг мисрадан иборат девон ўз даври ҳақида кенг маълумот берадиган қимматли асар ҳисобланади. Девонга киритилган “Ашъори форсий” эса форс тилида ёзилган бўлиб, 1 минг 300 мисрадан иборат.

Бир қарашда Огаҳий шеърлятида ҳам ишқ мавзуси асосий ўринни эгаллагандек туюлади. Аммо бу шеърлардаги ишқ — имон, эътиқод, она заминга муҳаббат, ақлу заковат тимсолидир. Уларда замон ва замондошлар қиёфаси, ўй-кечинмалари акс этиб туради. Демак, Огаҳий газалларидаги ишқ-муҳаббат ҳам, улуг мутафаккир, А.Навоий ижодидаги йўналиш каби бадиий восита эканини тушуниш қийин эмас.

Давоми 2-саҳифада >>

Донслар  
сузлайди...

Одамлар билан муносабатда эҳтиёт бўл,  
энг муҳими, кулгили хушомадгўйликка ўтма.  
Э. Делакруа

Ўзи ҳақида ҳукм чиқаришни ўрганмаган одам  
бошқалар ҳақида ҳукм чиқаролмайди.

И. Гете

Инсон — бутун бир олам, фақат ундаги  
асосий туйғу олижаноблик бўлса бас.  
Ф. Достоевский

Тарадду

“Наврўз яллasi”



Андижон вилоят кўғирчоқ театрида “Наврўз яллasi” кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги “Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш ҳамда Андижон вилоятида ўтказиладиган “Наврўз

2019” байрамига репертуар танлаш мақсадида ташкил этилган ушбу танловда вилоятнинг барча туманлардаги маданият бўлимлари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларидан вакиллар иштирок этишди.

Танлов якунига кўра аниқланган голиблар совғалар билан тақдирландилар.



Кадриятларимиз

## Ичан қалъани тиклаш учун қўшимча инвестициялар



4 март куни бўлиб ўтган учрашувда томонлар Хоразм вилояти Хива шаҳридаги Ичан қалъа худудига жойлашган Амир тўра мадрасаси ва Хасан Мурод Кушбеги масжидида реставрация-тиклаш ва худудни ободонлаштириш учун Хитой ҳукумати билан умумий қиймати 6,9 млн АҚШ долларига тенг амалдаги лойиҳанинг режасига қўшимча лойиҳаларни киритишни муҳокама қилдилар. Жумладан, Хитой маданий мерос академияси директори Ўринбосари Сюй Ян Амир тўра мадрасасининг “Боғчадарвоза” қисмини реставрация-тиклаш ва ён-атрофларини ободонлаштириш бўйича мазкур лойиҳа режасига қўшимча келишувни киритиш таклифини берди. Шунингдек, Сюй Ян ушбу лойиҳа учун қўшимча инвестиция киритишни маълум қилди. Маданият вазири ушбу таклифни амалга ошириш учун кўзда тутилган барча имкониятларни яратиб беришини билдирди.

Ҳамкорлик ҳақидаги шартнома Ўзбекистон томонидан Маданият вазириликнинг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси, Хитой томонидан эса Хитой Халқ Республикаси Савдо вазириликнинг Ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси ҳамкорлигида имзоланган. Объектларда реставрация-тиклаш ишлари 2017 йил 25 июндан бошланган. Лойиҳа қишги таътил кунлари билан бирга 36 ой давом этиши белгиланган. 2018 йилнинг ноябрь ойида хитойлик мутахассислар томонидан объектларнинг ички фасад ва том қисмларини реставрация қилиш ишлари якунига етказилди.

2019 йилнинг апрель ойидан бошланадиган лойиҳанинг охиригача объектларнинг ташқи фасад қисмини реставрация қилиш ишлари олиб борилиши режалаштирилган.

А.МҶМИНОВ

Давоми. Боши 1-саҳифада

## Мармар тошга битилган ҳикматлар

Зеро, у буюк мутафаккир ижодини кунт билан ўрганган, араб, форс, туркий тилларини пухта эгаллаган эди. Огаҳий ҳам ўзи севган шоир Навоий каби давлат ишларида фаол иштирок этган. У Хива хонлигида бош мироб лавозимига тайинланганида эндигина 20 ёшга тўлган эди. Сарой мухити, халқ ҳаёти билан чамбарчас боғланган фаолият унинг дунёқараши ва ижодкорлик қобилиятини ўстириб, эл суйган шоирга айланганига замин яратган бўлса, эҳтимол. Аммо ижтимоий-сиёсий меҳнатга бутун вужуди билан берилган Огаҳий ўзининг эзгуликка йўлланган фаолиятини узок давом эттира олмайди.

Айни қирчиллама 34 ёшида бахтсиз ҳодиса туфайли юролмай қолади. Шунда ҳам Хива хони уни давлат ишларидан озод этмайди. Орадан 13 йил ўтиб у мироблик вазифасидан истеъфо бе-

ради. Шундан сўнг, Огаҳий моддий қийинчиликда яшаса ҳам ижоддан тўхтамади. “Зубдат-ут-Таворих” (Тарихлар қаймоғи), “Жомеъ ул-воқеоти султоний” (Султонлик воқеаларини жамловчи), “Гулшани давлат” (Давлат гулшани), “Шоҳиди иқбол” каби тарихий асарлари Хоразмда яшаган ўзбек, қозок, туркман, қорақалпоқ халқларининг тарихи, маданий ва ижтимоий ҳаёти, хонлиқлар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий алоқалар ва бошқа тарихий воқеалар ҳақида ҳикоя қилади. Энг муҳими, юксак инсонпарварлик ғоялари билан сугорилган асарлари ўз даври ҳукмдорларига ижобий таъсир кўрсата олган.

У тарихчи олим, хушнафас шоир сифатида йирик тарихий шахсларга, ҳукмдорларга атаб ёзган қасидалари билан эл орасида доврўғ қозонади. Авом

халқнинг меҳрига сазовор бўлади. Огаҳийнинг фикрича, ҳар қандай давлат бошлиғи ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун барча инсоний фазилатларга эга бўлиши керак. Адолатли, ҳимматли, ғайрат-шижоатли, соф ниятли, ҳамиятли ва энг муҳими камбағалпарвар бўлиши керак. Шундай ҳукмдор ҳамиша эл-юрт дуосида бўлади. Шу маънода Хоразм хонларидан бири Ферузга бағишлаб ёзилган “Қасидаи насиҳат” асари муҳим аҳамиятга эга. Ундаги фикр-мулоҳазаларни самимий қабул қилган Ферузхон шоирнинг ҳикматли байтларини ҳатто, мармар тошларга ёздириб, арзхоналарига қўйдирган. Нағижада кўпгина эзгу ишлар амалга оширилиб, халқнинг розилиги, ишончига сазовор бўлган.

Серқирра ижодкор Огаҳий ўзининг нодир тарихий асарла-

ридан ташқари “Равзат ус-сафо” (Мирхонд), “Бадоеъ ул-вақоъеъ” (З.Восифий), “Тарихи жаҳонқушо Нодирий” (Муҳаммад Маҳдий Астрободий), “Тазкираи Муқимхоний” (Муҳаммад Юсуф Мунший), “Равзат ус-сафои Носирий” (Ризоқулихон Ҳидоят), “Гулистон” (Саъдий Шерозий), “Юсуф ва Зулайхо” (Жомий) “Шоҳ ва гадо” (Ҳилолий), “Ҳафт пайкар” (Низомий) каби қатор тарихий-бадий асарларини форс тилидан ўзбек тилига ўгириб таржимонлик маҳоратини ҳам намоийш этади. Эътиборлиси, шоирнинг қатор ижод намуналари нафақат Ўзбекистонда балки, Душанбе, Санкт-Петербург каби хориж

мамлакатларида ҳам қимматбаҳо қўлёзма сифатида сақланмоқда. Мамлакатимизда сўнгги йилларда миллий маданиятимиз, санъат ва адабиётимиз намоёндалари номини абадийлаштириш, уларнинг қолдирган меросларини ўрганиш, ёш авлодга ўргатиш, тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Хоразмнинг етуқ фарзанди Муҳаммадризо Огаҳий номи бир қатор кўчалар, мактаблар, театр ва бошқа муассасаларга берилган. Ўзи туғилиб ўсган Қиёт қишлоғида эса Огаҳий боғи, уй музейи ташкил этилиб, шоирнинг ҳайкали ўрнатилган.

С.РИХСИЕВА

Маданият фахрийлари

## Қўшалoқ байрам муборак!

Ўзбек рақс санъати вакиллари билан бири — раққоса, балетмейстер Ўзбекистон халқ артисти, “Дўстлик” ва “Халқлар дўстлиги” орденлари соҳибаси, кўп қарра республика ва халқаро танлов ҳамда фестиваллар лауреати Қундуз Миркаримова 8 март куни 91 ёшга қаршилади.

1928 йили Тошкентда туғилган Қундуз ая шу кунгача жуда катта ишларни амалга оширди. Ўзбек рақс санъатини бутун дунёга тараннум этишда устози Мукаррама Турғунбоева билан бирга унинг ҳам хизмати беқиёс. Шунингдек, миллий маданий меросимиз ҳисобланган ўзбекона рақсларимиз ривожига катта ҳисса қўшган Қундуз Миркаримова бугунги кунда Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида фаолият юритаётган мутахассислар — рақс санъатининг юлдузлари — Ўғиллой Муҳамедова, Света Турсунова, Гули Ҳамроева, Гавҳар Аминова, Дилафрўз Жабборов, Қизлархон Дўстмухаммедова, Малика Аҳмедова, Юлдуз Исматова каби шоғирларнинг устозидир.

Қундуз Миркаримованинг маҳоратига нафақат ҳамюртларимиз, балки хорижлик рақс усталари ҳам юксак баҳо беришган. Хореографиянинг беқиёс примаси, балетмейстер, афсонавий ўзбек рақсларининг сахналаштирувчиси бўлган устоз санъаткорни таваллуд айёми ва Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий муборакбод этамиз.

Мафтуна МИРЗАХҶАЕВА,  
Хулқар ҲАМРОЕВА.

Тадбир

## “Муқаддас аёл”

Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги 14-Болалар мусиқа ва санъат мактабида 8 март — Хотин-қизлар куни муносабати билан “Сен барибир муқаддасан, муқаддас аёл” деб номланган байрам кечаси бўлиб ўтди. Мактаб директори — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қиличбек Тожиёв бошчилигида ташкил қилинган ушбу кечада барча ўқитувчи ва ўқувчилар фаол қатнашишди.

Устоз ва шоғирлар ўз куй-қўшиқлари, сахна кўринишларини байрам тадбирига ташриф буюрган ота-оналар ва маҳалла вакиллари эътиборига ҳавола этишди.



Тадбир

## “Мустаҳкам оила — жамият устуни”

Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги 26-Болалар мусиқа ва санъат мактаби жамоаси ёш келинлар иштирокида “Мустаҳкам оила — жамият устуни” деб номланган маънавий-маърифий тадбир ўтказди.

Мазкур кечани ўтказишдан мақсад, жамиятнинг тенг ҳуқуқли бўлаги бўлган аёллар, таълим муассасаларида ўқиётган қизларимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ва фаоллигини ошириш, юз бераётган салбий ҳолатларнинг олдини олишдир. Тадбирда фаол иштирок этган аёллар эсдалик совғалари билан тақдирланишди.



Ташриф

**Намунали маданият марказлари тақдирланди**



2 март куни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Б.Сайфуллаев Наманган ихтисослаштирилган санъат мактабида Маданият бошқармаси тизим ташкилотлари учун йиғилиш ўтказди.

Тадбирда шу кунгача эришилган ютуқ ва камчиликлар атрофича муҳокама қилинди. Фаолияти намунали деб топилган марказларнинг вакилларига совғалар топширилди.



Кадриятларимиз

# Халфачилик санъати

Халфачиликнинг пайдо бўлиш тарихи жуда қадим замонларга, аниқроғи, антик даврларга бориб тақалади. Хоразм вилоятидаги Қўйқирилган қалъадан археологик қазималар жараёнида топилган, милoddan олдинги I асрга мансуб лойдан ишланган ҳайкалчаларда аёл созанда ва хонандаларнинг чолғу асбобларида куй чалаётгани тасвирланган. Жумладан, Қўйқирилган қалъа атрофидан топилган уд чалаётган аёл ҳайкалчаси кўпчиликда қизиқши уйғотади. Милодий III асрга оид арфа чалаётган аёлнинг сурати эса қадимги Хоразм шоҳларининг Тупроққалъа саройидан топилган. Ушбу ашёвий далиллар Хоразмда биз “халфа” деб атайдиган санъаткор аёлларнинг пайдо бўлиши тарихи камидан 2100-2200 йилга тенг эканини тасдиқлайди.



Халфаларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши зардуштийлик таълимоти ва “Авесто” билан чамбарчас боғлиқ. “Авесто” китобининг Яшт қисмидаги гахлар (марсиялар) қоҳинлар томонидан махсус қироат усули – замзама билан ўқилган. “Арда Вираз намак” китобида нариги дунёга рихлат қилган Арда Виразнинг агрофида унинг етти синглиси қоҳинлар билан биргаликда “Авесто” ва унинг Занд қисмидан диний алқовларни ва наскларни ўқиб, гахларни куйлагани ёзилган. Тўққалбадаги археологик қазималар жараёнида топилган милодий VI-VII асрларга оид оссурийларнинг сирти ва қопқоқларида эса аёлларнинг махсус аза кийимларида (қизил либосда) мотам маросимида оқ ёки қора либосдаги халфа иштирокида айтим айтиб йиғлаш, ёқаларини чок қилиб, кўкракларига уриш ва сочларини юлиш удуми тасвирланган.

Аслида “халфа” атамаси қадимги хоразм тилига оид бўлиб, пахлавийча “кичик қоҳин” маъносидagi хайлпат, салфан сўзига яқин туради. Бизнингча, қадимги хоразм тилидаги халпа ва пахлавий тилидаги хайлпат, салфан авесто тилида “қоҳин” маъносига келувчи кагаб сўздан келиб чиққан. Авесто тилидаги кагапар – эски қабилвий удум қоҳинларининг номи бўлиб, “айтиб йиғламоқ, саннамоқ; марсия айтмоқ, йиглаб куйламоқ, йиғи-сигидан иборат маросим қўшиқларини ижро этмоқ” ва “минғирламоқ, тушуниб бўлмайдиган тарзда сўзламоқ” маъносидagi кагаря фелъидан ясалган. Қадимги ҳинд тилидаги “нола, хасрат қилмоқ; аза

тутиб йиғламоқ” маъноларидаги карпанья сўзи ҳам юқоридаги асослардан ясалган.

Хоразмда оташпарастлик дини қоҳинлари милoddan олдинги I минг йилликнинг бошларида пайдо бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Зардушт ўз таълимотини эълон қилгач, карапан-халпалар бу таълимотни “зоҳиран” қабул қилдилар. Турмушда эса ўз диний урф-одат ва маросимларини адо этишда давом этвердилар.

Хоразмлик аёллар ўзларининг узоқ ўтмиш хотираларида қолган ва кундалик турмуш жараёнида амал қилган урф-одатларини тор доирада сақлаб келганлар. Улар асосан, олдинги – зардуштийликка оид матнларнинг қироати, замзамаси ва оҳангини алла, лапар ва айтимларга кўчирганлар. Эски мусиқий матнларнинг усулини сақлаб қолиш учун улар, яъни халфалар иккита пилани бир-бирига уриб, шунингдек, хоразмча “даф” деб аталадиган доирадан (эхтимол, дутордан ҳам) фойдаланганлар. Хоразмлик бахшилар ҳам эски усулларни дутор, доира, ноғора ва қайроқ ёрдамида сақлаб қолишга хисса қўшганлар. Бундан ташқари, улар турли даврларда сурнай, қўшнай ва буломон каби дамли мусиқа асбобларидан ҳам фойдаланганлар. Бахшилар ўз ижроларида ёғижакдан анча илгари фойдалана бошлаган бўлсалар, рубоб ва тор асбобларидан нисбатан анча кеч – XIX-XX асрлардан эътиборан фойдалана бошлаганлар. Халфалар эса Хоразмга гармон сози кириб келгач, ушбу мусиқа асбобидан то бугунги кунгача фойдаланиб ке-

ладилар. Хуллас, XVI-XVII асрларда биз бугун бахши ва халфа деб атайдиган халқ достонлари ва қўшиқларини эски усулдаги қадимги куйларга солиб ижро қиладиган санъаткорлар тўла шаклланиб бўлган.

Бугунги кундаги халфачилик санъатининг ривожланишида албатта китобий халфаларнинг ҳам хизмати бор. Китобий халфалар томонидан назм йўлида битилган қисса, ҳикоят ва достонлар димоғда маълум бир усулда ижро қилинган. Агарда асар диний-тасаввуфий мавзуда бўлса, кўпинча эски “Қаландар” усули билан чорзарба ёки “Мискин” усулида куйлаб ўқилган. Достон, қисса ва ҳикоятлар насрий услубда битилган бўлса, улар замзама (қироат) билан ўқилган.

Умуман, халфа куйлари усулига кўра салдомли ва улғувор, айни пайтда мунгли ва ҳазин оҳангга эга куйлар хисобланади. Шу жиҳатдан олиб қараганда халфа куйлари “Қорадали”, “Алиқамбар” ва “Мискин” сингари жуда эски дутор куйларига ҳамоҳандир.

Хулоса сифатида шунини таъкидлаш лозимки, халфачилик санъатининг тарихий илдишлари милoddan олдинги I минг йилликнинг бошига тўғри келади. Халфа атамаси Хоразмда яратилган “Авесто” китобида қарна шаклида учрайди. Умуман олганда, халфа атамаси маълум бир тарихий давр жараёнида у касб этган маъноларни келажакда тарихий-этимологик жиҳатдан тадқиқ қилиш янги илмий натижаларни бериши мумкин.

**Анвар МАТНИЯЗОВ,**  
ТошДШИ мустақил  
изланувчиси

Халқаро бахшичилик фестивали олдидан

## Ғолиблар Сурхондарёга боришади



Тошкент вилояти Қибрай тумани “Дўрмон” маданият саройида бахшичилик санъати фестивали ҳамда Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан халқона танлов бўлиб ўтди. Баҳорнинг илк кунинда вилоятнинг ҳудудий танловларида сараланган санъаткорлар Дўрмонда яна бир бор ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Унда Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Баҳрулла Лутфуллаев, Ўзбекистон халқ ҳофиси Соибжон Ниёзов, Ўзбекистон давлат филармонияси дуторчилар ансамбли бадий раҳбари Фахриддин Икромхўжаев, шунингдек, Маданият вазирлиги ва вилоят ҳокимлиги вакиллари иштирок этдилар.

Вилоятда ижод қилаётган бахши, оқин, жиров ижрочилари ва фольклор жамоалари қатнашган танловда ҳакамлар хайъати қарорига кўра, пскентлик бахши Боғдошжон Латипов ва Юсуф Давронбеков, Юқори Чирчиқлик Талгат Ўринбеков, паркентлик Муроджон Алиев ҳамда Оҳангарон шаҳрининг “Қурама”, Оққўрғоннинг “Тўрғай”, Паркентнинг “Паркент чашмаси” фольклор жамоалари ғолиб деб топилди. Улар Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида бўлиб ўтадиган Халқаро бахшичилик санъати фестивалида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритдилар.

Тадбир якунида танлов ғолиблари ва фаол иштирокчиларга вилоят ҳокимлиги, “Олтин мерос” халқаро жамоат фонди вилоят муассасаси, шунингдек, Ёшлар иттифоқи ҳамда маданият бошқармасининг эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда вилоят болалар мусиқа ва санъат мактаблари ижодий ишлардан иборат кўргазмаларини намойиш этишди.

**Сайёра ЭШМАТОВА**

Цирк

## Соҳа усталаридан маҳорат дарси



Ўзбек давлат циркининг етакчи артисти Валерий Галактионов раҳбарлигидаги “Акробат-вольтежёрлар” труппаси Республикаси эстрада-цирк коллежида маҳорат дарси ўтказишди. Соҳа мутахассислари ўтказган ушбу дарсда коллеж ўқувчилари мураккаб трюклар ва ҳаракатларни намойиш этиш сирларидан бохабар бўлишди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 январдаги “Ўзбек цирк санъатини янада ривожлантириш ва “Ўзбек давлат цирки” давлат муассасаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда Маданият вазирлигининг 2019 йил 28 январдаги буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида, ушбу мактабнинг таълим жараёнига цирк сулоалари вакиллари ва малакали цирк артистларини жалб этиш йўлга қўйилди. 2019 йил 1 мартдан Ўзбек давлат цирки давлат муассасаси раҳбари ҳамда Республика эстрада-цирк коллежи директори томонидан бу борада ҳамкорлик битими тузилди.

— Республика эстрада-цирк коллежида 266 нафар ўқувчи таъсил олмақда, — дейди коллеж директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Карима Зарипова. — Бу йил уларнинг 83 нафари ўқишни тамомлайди. Цирк санъати — жуда мураккаб соҳа. Шунинг учун нафақат биз — коллеж ўқитувчилари, балки циркнинг етакчи артистлари ҳам талабаларни тўғри йўналтиришга бел боғлаб, жиддий ҳамкорликни йўлга қўйдик.

**А. МҶИНОВ**

» Хотира кечаси

## Адабиёт-мизнинг ўчмас юлдузлари



1 март куни Жиззах вилоят Кўзи ожизлар кутубхонасида ўзбек адабиётининг ёрқин намоёндалари — шоира Зулфия Исроилова таваллудининг 104 йиллиги ҳамда Ўзбекистон қаҳрамони Озод Шарафиддинов таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан “Ўзбек адабиётининг ўчмас юлдузларисиз” мавзусида адабий-бадий кеча ташкил этилди. Унда бир гуруҳ китобхонлар, Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги она тили ва адабиёт фани бўйича ихтисослаштирилган

мактаб-интернат ўқувчилари иштирок этишди. Тадбирда Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси, адабиётшунос олим Усмонжон Қосимовнинг Зулфия ва Озод Шарафиддинов ҳаёти, ижодига оид қизиқарли маълумотлари тингланди. Шунингдек, шоиранинг шеърларига бастанган қўшиқлар ижро этилди.

**У.ИБРАГИМОВ,**  
Жиззах вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси директори

» Бахшичилик

## Фестивалга тайёргарлик бошланди



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 ноябрда қабул қилинган “Халқаро бахшичилик санъати фестивали” ни ўтказиш тўғрисидаги қарорига биноан 2019 йилда бўлиб ўтадиган фестивалга “Жайхун” ансамбли ҳам тайёргарликни бошлаб юборди. Сурхондарё вилоят телевидениесида ансамблнинг бахши-ўқувчилари иштирокида видеоролик тайёрланди.

» Мушоира кечаси

## Баҳор куйчисига бағишланди



Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 9-Болалар мусиқа ва санъат мактабида Ўзбекистон Республикаси халқ шоираси Зулфияхоним таваллудининг 104 йиллиги муносабати билан “Баҳор келди яна сизни сўроқлаб” мавзусида адабий-мусиқий тадбир бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси ва маданият бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган кечада шоиранинг шеърларидан намуналар ўқилди. Шунингдек, туман маданият бўлими санъаткорлари — Элёрбек Отажонов, Раҳматжон Бозорбоев, Жаҳонгир Тангрибергенов, Шаҳзод Машарипов, Зебо Тангрибергенова ва Шаҳзода Дўсметовалар ижросида Зулфияхоним ва Ҳамид Олимжон шеърларига бастанган қўшиқлар тингланди.

**Гавҳаржон ТўРАЕВА,**  
“Наврўз” фольклор-этнографик халқ ҳаваскорлик жамоаси бадий раҳбари

» Хотира

## Бетакрор ижод соҳибаси

Халқимизнинг сеvimли фарзанди, атоқли шоира, Меҳнат қаҳрамони, ўзбек хотин-қизларининг тимсоли Зулфияхоним таваллудига 104 йил тўлди.

1915 йилнинг айна баҳор фаслида Тошкентнинг Ўқчи маҳалласида дунёга келган шоира 81 йиллик ҳаёти давомида умрининг энг гуллаган даврини эзгу ишларга бағишлади, шеър ишқи, ижод завқи билан яшадди. Унинг бизга қолдирган олтмишдан зиёд тўпламлари эндиликда ўзбек ва дунё адабиёти хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган.

Зулфияхоним деганда кўз ўнгимизда жўшқин қалб соҳибаси, гўзал шеърлари билан юракларни забт этган улкан ижодкор гавдаланади. Шоиранинг бадий тасаввурда олам, ҳаёт, умр, юрт, одамлар — ҳамма-ҳаммаси гўёки нурдан яралган. Унинг фикрича, кўзимиз кўриб, нигоҳларимиз илғайдиган ҳамма нарса — мўъжиза. Ер юзи бўйлаб тинчлик, дўстлик ва биродарлик гоъларини фаол тарғиб этган жаҳонгашта шоира мангуликка дахлдор асарлари билан аёл мартабаси, унинг бахту саодатини ҳам кўкларга кўтарган.

Дарҳақиқат, Республика давлат мукофоти ҳамда халқаро “Нилуфар” мукофоти совриндори бўлган Зулфиянинг шеърлари, дostonлари эл орасида машҳур. “Баҳор келди сени сўроқлаб”, “Ўғлим, сира бўлмайдими уруш”, “Тун”, “Мушоира”, “Кўшли қалам” номли шеър ва дostonлари шоира ижодининг гултожи ҳисобланади.

» Миллий мусикамиз фидойилари

## Санъатга бахшида умр


Устозимиз Мурод Тошмухамедов 1939 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. У гижжак чалганида, мудроқ қалблар ҳам уйғонади, киши ўзини мусиқанинг сеҳри оламига кириб қолгандек ҳис этади.

Мусиқага бўлган қизиқиш уни дастлаб 1949 йилда Республика ўқувчилар саройига етаклаб келган. Устозлари — Аҳмад Одиллов ва Сайфиддин Жалилдан, 1951 йилдан эса Глиэр номидаги Республика махсус мусиқа мактабида таниқли устоз Я.Сабзановдан сабоқлар олган.

Ёшлик йилларида у Тошкент давлат консерваторияси (ҳозирги Ўзбекистон давлат консерваторияси)да Обид Холмухамедов синфида тахсил олган. Ижро маҳоратини Т.Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестрида ошириб, мазкур жамоа билан Москва, Қозғистондаги концертларда ҳамда Украина ва Тожикларда, Россияда ўтказилган декадаларда қатнашган.

Ўтган йилларда мамлакатимиз раҳбарияти ташаббуси билан атоқли адилларимиз — Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг хотирасини абадийлаштириш юзасидан кўплаб ишлар қилинди. Жумладан, Жиззах шаҳридаги Хўжа Нуриддин мадрасаси қайта реконструкция қилиниб, Ҳамид Олимжон ва Зулфия музейи жойлаштирилди. Мадрасадаги Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним ҳаёти ва ижодига доир экспонатлар Омон Олимжоннинг рафиқаси Риояхон Олимжонова томонидан тақдим этилган. Булар икки ижодкорнинг танланган асарлари, сайланмалари, қўлёзмалари, ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи фотолавлар, асарларига ишланган иллюстрациялар, картиналар, шунингдек, шахсий буюмлари ва муҳлисари томонидан берилган эсдалик совғалардан иборат.

Бугун музейга ижодкор ёшлар, талабалар, мактаб ўқувчилари тез-тез ташриф буюришади, шеърят кечалари, мушоиралар ташкил этилади. Айниқса, Зулфияхоним таваллуд топган кун арафасида бундай тадбирлар ўзгача руҳда ўтказилади. Бетакрор ижодкор Зулфияхоним адабий мероси узок йиллар давомида кишилар қалбини ром этиб туришига шак-шубҳа йўқ. Зеро, у ўзи айтаганидек, халқимизнинг ардоқли шоирасидир:



Эъозлар, ардоғлар учун ташаккур,  
Асли сиз — офтобим, мен — зийёсиман.  
Тонгларингиз кулсин дорилмомон, хур,  
Бахтим шул — ўзбекингиз Зулфиясиман!  
**Насиба МУХИТДИНОВА,**  
Жиззах вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи  
Ҳамид Олимжон ва Зулфия филиали  
катта илмий ходими

тет ташкилотчиси ҳамдир. Устоз ташаббуси билан ташкил этилган “Сайқал” гижжакчилар камер оркестри кўп йиллардан бери ижрочилик маҳоратини намоиш этиб келмоқда. Шунингдек, устоз ҳар йили синф концертини намунали тарзда тақдим этади. Ҳар бир концертда турли характер ва жанрдаги асарлар тингловчиларга ҳавола этилади.

Умуман, Мурод ака томонидан тайёрланган дастурлар қизиқарли, мазмунли, юқори савияда ўтишини эътироф этиш лозим. Бундай концертлар талабалар учун маҳорат дarsi вазифасини ўтайди. Катта ижодий меҳнат, куч, изланиш эвазига ташкил этилаётган бу ишлар ҳаммамизга олам-олам қувонч ҳада этиши билан бирга, касбига, фаолиятга ижодий ёндашиш, мусиқа асарлари орқали тингловчилар маънавиятини шакллантиришга хизмат қилади.

**Бахтиёр АЗИМОВ,**  
ЎЗДК “Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедраси доценти

Кўрғазма  
“Гиламлар жилоси”



Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейида “Гиламлар жилоси” номли кўрғазма ташкил этилди. Унда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон ва Қорақалпоғистон ҳудудларида XIX-XXI асрларда яратилган 30дан ортиқ гиламлар коллекцияси ва гилам тўқиш жараёнлари намойиш этилди.

Кўрғазмага ташриф буюрганлар ҳунармандчиликнинг ушбу ноёб дурдоналарини томоша қилиш билан бирга гилам тўқиш санъати бўйича ташкил этилган маҳорат дарсини ҳам кузатишди. Миллий маданиятимиз ва анъанавий ҳунармандчилигимизни кенг тарғиб этиш ҳамда ташриф буюрувчиларга гилам тўқишнинг амалий намуналарини кўрсатиш мақсадида ташкил этилган маҳорат дарсида ушбу санъат тарихи ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

А.МҶМИНОВ

» Реклама ҳуқуқи асосида

Фатхулла МАЪСУДОВ:

# “Отамнинг бир ўғити доим ёдимда туради”



Бударғох ҳақида гап кетганида, дарҳол “Театр — ибратхона” деган сўз ҳаёлдан ўтади. Дарҳақиқат, бундан кўпгина алломалар, хусусан, соҳа мутахассислари эътироф этишган. Шундай муқаддас даргоҳда ишлаётган, севган касбига умрини бахшида этган фидойилар билан суҳбатлашсангиз, бу таъриф нечоғлиқ тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.

Азбаройи бандлигидан биз учун вақт ажратиши анча қийин кечган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, миллий академик драма театрининг раҳбари Фатхулла МАЪСУДОВ билан учрашганимизда, бунга яна бир бор амин бўлдим.

Директорнинг бир кекса отахон билан суҳбатига ҳалал бермаслик учун қабулхонада навбат кутаётганларга юзландик. “Жуда банд экан-а, булар”, — дедим ёшимда турган ёшгина йигитча.

“Э, нимасини айтасиз, ҳар кунни шу аҳвол, — дейди у. — Мен ҳам шу ерда ишлайман. Зарур иш билан чақиртиришган экан. Лекин ҳалидан бери отахоннинг сўзлари тугамаяпти. Директоримиз кексаларнинг илтимосини доим сабртоқат билан тинглашга одатланганлар... Нафақат кексалар, ёшларни ҳам ҳар қандай шароитда эътиборсиз қолдирмайдилар...”

Нихоят, бизга ҳам навбат етди. “Уэр, анча куттириб қўйдим, — деди директор истиҳола билан. — Неваралари оғир хаста экан. Ёрдам сўраб келибдилар...”

Бундай иқродан сўнг, очиги, вақтларини олмай, тезгина муддаога ўтдик.

— Бугунги кунда маданият ва санъат, хусусан, театр соҳасида кечаётган жараёнлар барчанинг диққат-эътиборида. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, “...адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор, бу — аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини... унутишга асло ҳаққимиз йўқ”. Шу маънода яқинда 100 йиллигини нишонлаган, халқимиз севиб “отахон театр” деб атайдиган кутлуг даргоҳнинг раҳбари сифатида соҳада юз бераётган ўзгаришларни айнан миллий академик драма театри мисолида сўзлаб берсангиз...

— Жонажон театримизда ишлай

бошлаганимга 33 йил бўлибди. Сўнгги йилларда соҳага берилган алоҳида эътибор туфайли, очиги, театр, унинг жамоаси янада масъулият билан ишлаш бошлади. Аввало, пойтахтимизнинг қоқ марказида қўр тўкиб турган табаррук даргоҳда фаолият юртишнинг ўзи ҳар бир актёр учун катта бахт. Лекин масъулияти ҳам шунга яраша... Бундан устоз санъаткорлар ҳам, ёш актёрлар ҳам яхши тушунишади. Айниқса, 2017 йилнинг 3 августидеги ижодкор зиёлилар билан Президентимиз ўтказган учрашув адабиёт ва санъат, маданият аҳлини, жумладан, миллий театримиз жамоасини ҳам руҳлантирди. Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси фаоллар кенгаши, “Дўстлар клуби” фаолияти йўлга қўйилди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, ибрат олса, ўрганса арзийдиган ажодларимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги саҳна асарларига қўл урилди. Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек каби улуғларимиз сиймоси яна қайта саҳна юзини кўрди.

— Гарчи бу ҳақда кўп эшитган бўлсангиз ҳам, санъат йўлини танлашингизга нима ёки ким сабабчи бўлган, деган саволни четлаб ўтолмаймиз...

— Аслида оиламизда санъаткор бўлмаган. Отам институтда — ўқитувчи, онам — мураббия, кейинчалик доришунослик соҳасида ишлаганлар. Улар спортчи бўлишимни хошлаган. Спорт тўғрисида, кейинчалик драма тўғрисида қатнашиб юрдим. Тақдир тақозоси билан санъатшунос оlima Лола Хўжаеванинг театр ва рассомчилик институтида қўйилган “Қонли тўй” спектаклини кўрдим-у, “Актёр бўламан!” деган қарорга келдим. Ота-онам (охиратлари обод бўлсин!) ишониб қўллаб-қувватладилар. Лекин уларнинг ҳалоллик, тўғрисиқлик, инсоф-диёнатли бўлиш ҳақидаги насиҳатлари бир умр ёдимда қолди. Шундай қилиб, театр ва рассомчилик институтига тугатиб, орада йигитлик бурчимни ҳам ўтаб бўлгач, 1986 йилдан ушбу табаррук масканда ишлаш бошлаганман...

— Сизни нафақат саҳнада, балки кинофильмларда, телевидениедаги



ролларингиз орқали ҳам яхши танишади. Ўзингиз уларнинг айнан қай бирини кўпроқ эсга olasиз? Қайси ролларингиз сизни томошабинга кўпроқ танитган?

— Тўғри, илк бор кинода, таниқли режиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг “Қалдирғоч” фильмида Жавоҳир родини ўйнаганман. Саҳнадаги илк ролим эса “Бой ила хизматчи”даги Латифжон образи бўлган. Шундан кейин менга асосий ролларни ҳам ишониб топширадиган бўлишди. “Адибнинг умри”да — Ойбек, Усмон Носир спектаклида — Усмон, “Ўтган кунлар”да — Отабек, “Ревизор”да — Хлестаков, Алишер Навоий спектаклида — Соҳиб Дорро, Мансур каби 70га яқин образлар мени актёр сифатида шакллантирди, элга танитди, десам бўлади. Лекин ҳали орзуимдаги роллар ҳам кўп. Гарчи салбий образ бўлса-да, “Отелло”да Яғони, Юлий Цезарда Брут родини ўйнагим бор... Бу каби залворли ролларни ўйнашнинг ўзи бўлмайди, бундан биламан. Ҳар саҳнага чиққанимда шу театрга умрини бағишлаган санъатимиз даргалари — Шуккур Бурхонов, Раззоқ Ҳамроев, Наби Раҳимов, Сора Эшонтураеваларнинг нигоҳлари мени кузатиб тургандек бўлаверади.

— 360 кишилик катта жамоани бошқариш осон эмас. Лекин сизни масъулиятни доим ёдда тутадиган раҳбар сифатида эътироф этишади. Бу борада кимларнинг маслаҳати, тажрибасига таянасиз?

— Аввало ота-онам, қолаверса, барча устозларимнинг ўғитлари, айниқса, Президентимизнинг ишончи менга куч-қувват, мадад беради. Устозларим — Пўлат Саидқосимов, Тўйчи Орипов, ТурғунАзизов, Тўлқин Тожиёв, Ёқуб Аҳмедов, Ёдгор Саъдиев, Теша Мўминовлардан кўп нар-



са ўрганганман, ҳамон уларга ҳавас қилиш, ибрат олишдан чарчамайман. Бу борада ота-онамнинг “Ҳамиша қўлинг кўксингда бўлсин, болам” деган ўғитларига аман амал қиламан.

— Ҳар бир спектаклнинг муваффақияти, томошабинбоплиги аввало сценарийга, режиссурага боғлиқ, дейишади. Нима деб ўйлайсиз, миллий академик драма театримизда бу омиллар талаб даражасидами?

— Шундай дейишга асослар етарли. Устоз режиссёрлар — Е.Гинзбург, Тўлахўжаевлардан таълим олган Баҳодир Йўлдошев, Турғун Азизов, Марат Азимов, Валижон Умаров, Олимжон Салимов, шунингдек, муносиб шоғирдлардан Нодира Маҳмудова, Асқар Холмўминовлар ижодини ҳурмат қиламан. Қолаверса, устоз-шоғирдлик анъанаси туфайли актёрлар этикаси, маънавий баркамолликка интилиш жамоа аъзоларининг касб маҳорати янада ошишини таъминламоқда. Шу ўринда фахрийларимиз — Яйра Абдуллаева, Тўти Юсупова, Рихси Иброҳимова, Ёқуб Аҳмедов, Дилбар Икромовалардан касб маҳоратини ўрганаётган Дилноза Кубаева, Зилола Набиева, Нигина Анорбоева, Гулнора Жумаева, Ҳамза Ҳасанов, Шерзод Абдувалиев, Бахтиёр Юсупов, Фирдавс Зиёев, Наврўз Жумаев ва Ихтиёр Отажонов каби иқтидорли ёшларни театримизнинг порлоқ эртаси, дея оламан.

Келгусида Эркин Самандарнинг “Жалолиддин Манғуберди” асарини, “Абай” спектаклини, Шекспир асарларини саҳналаштиришда шундай устоз шоғирдларга таянаман.

Сайёра РИХСИЕВА суҳбатлашди.

Шеърят кечаси

**Вафо ва садоқат куйчиси**



28 февраль куни Хоразм вилояти Гурлан туман кўзи ожизлар кутубхонасида шоира Зулфия Исроилова таваллуд топган кун муносабати билан “Мушоира ҳамон давом этмоқда” мавзусида шеърят кечаси бўлиб ўтди. Туман ахборот-ресурс маркази ҳамкорлигида ўтказилган шеърят кечасида кўзи ожизлар кутубхонаси аъзолари ҳамда 3-6-мактаб ўқувчилари қатнашдилар. Тадбир давомида 1995 йилда ёзилган “Шарқнинг ўзи она бўлган ҳамиша!”, “Иқрорга

вакт етди” шеърлари, “Хотирам синиклари” дostonидан парчалар ўқилди. Шунингдек, шoirнинг шеърларига басталанган кўшиқлар ижро этилди. Мушоира кечасида “Буюк она, вафо ва садоқат тимсоли” мавзусида китоблар кўргазмаси ҳам ташкил қилинди.

**М.ЮЛДАШЕВА,**  
Гурлан туман кўзи ожизлар кутубхонаси мудираси.

БМСМларида



**Муסיқий саводхонлик байрами**

Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги 28-БМСМда 1-синф ўқувчиларининг муסיқий саводхонлиги байрами бўлиб ўтди.

Тадбирда туман ҳокимлиги вакиллари, умумтаълим мактаби ўқитувчилари ва ота-оналар иштирок этиб, кичкинтойларнинг илк муваффақиятларига гувоҳ бўлишди.

Байрам кечасида мактабнинг муסיқа назарияси бўлими катта ўқитувчиси Дилшоода Мадумарова “Муסיқани севинг, ёшлар” мавзусида маъруза қилди. Шундан сўнг муסיқанинг хатто ёвуз ниятли кишиларни ҳам яхшиликка етакловчи хусусияти акс этган сахна кўриниши тақдим этилди.

Тадбир якунида мактаб директори Аъзамжон Абдуғаффоров ўқувчиларга эсдалик совғаларини топширди.

**Азизхон ҚОДИРЖОНОВ**

Истеъдод



**“Дилтор”нинг умидли келажаги**

Андижон шаҳридаги 28-Болалар муסיқа ва санъат мактабида иқтидорли ўқувчилар жуда кўп. Шулардан бири Мубина Йўлдошалиевадир. У 2017 йилдан ўқитувчи — Хонзода Мамасолиевадан дутор сирларини ўрганиб келмоқда.

Бугунги кунга келиб Мубина устозининг ишончини турли танловлардаги фаол иштироки билан оқлади. У 2018 йилда ўтказилган Ўзбек халқ чолғулари ансамбллари кўрик-танловида Х.Мамасолиева раҳбарлик қилаётган “Дилтор” дуторчи қизлар ансамбли билан бирга иштирок этиб, муносиб тақдирланган. Шунингдек, “Камалак юлдузлари” фестивалида ҳам фаол қатнашди.

Ҳозир Мубина бу йилги кўрик-танловларга тайёргарлик кўрмоқда. Устозига ўхшаган муסיқа ўқитувчиси бўлиш, дутор сирларини янада мукамал ўрганиш — унинг энг катта орзуси.

**Г.МАВЛОНОВ,**  
28-БМСМ директори

Байрам олдидан

**“Сенинг борлигинг — мўъжиза...”**

2 март куни Тошкент вилояти Ангрэн шаҳридаги 10-Болалар муסיқа ва санъат мактабида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган “Сенинг борлигинг — мўъжиза, аёл!” деб номланган байрам тадбири ўтказилди. Шаҳар мактабгача таълим бўлимининг Ангрэн шаҳар маданият бўлими ҳамда таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Ангрэн шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кечада мактабгача таълим

муассасалари, болалар муסיқа ва санъат мактаблари, маданият марказларида кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилаётган аёллар қасаба уюшмаси томонидан байрам совғалари билан тақдирланишди.

Шаҳар мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, маданият марказлари, болалар муסיқа ва санъат мактаблари ходимлари томонидан тайёрланган концерт дастури барчага байрамона кайфият бағишлади.



Фестивал

**“Бахшичилик санъати”**



Навоий шаҳридаги “Ширин” маданият саройида “Бахшичилик санъати” фестивали бўлиб ўтди. Фестивалга вилоятнинг барча туманларидан бахши-шоирлар ташриф буюриб, ўзбек халқининг энг қадимий санъат тури бўлмиш бахшичилик, дostonчилик, оқин, жировлар бўйича ўз чиқишларини намойиш қилишди.

Энг яхши бахши, жиров, дoston ижрочиларига жорий йилнинг 5-10 апрель кунлари Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида бўлиб ўтадиган “Халқаро бахшичилик” фестивалида иштирок этиш учун йўланма берилди.

Танлов

**Иқтидорлилар учун рағбат**

19-22 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги 226-сонли қарорига асосан, “Болалар муסיқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг академик ва эстрада ижрочилиги Республика танлови”нинг туман (шаҳар) ҳудудий босқичлари ўтказилди. Ушбу танлов Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг биринчи ўринбосари О.Назарбеков тасдиқлаган “Болалар муסיқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг академик ва эстрада ижрочилиги Республика танлови” шартлари ва дастурлари асосида ўқувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини ҳар томонлама рағбатлантириш ва кенг оммага тарғиб этиш мақсадида ташкил қилинди.



Ижодий ҳамкорлик

**“Баҳор нафаси”**

Ўзбекистон давлат филармониясининг “Дуторчи қизлар” ансамбли Тошкент шаҳридаги 24-Болалар муסיқа ва санъат мактаби билан ижодий ҳамкорликда “Баҳор нафаси” концерт дастурини намойиш этди. Концертда муסיқа ва санъат мактабининг ўзбек халқ чолғулари бўлими, “Гулдиёр” ансамбли раҳбари Г.Шерматова ва анъанавий бўлим ўқитувчиси Ф.Олимов, А.Раҳимовлар фаол иштирок этишди.



Кўрик-танлов

## Наманганнинг фаол "Адолат"чи аёли аниқланди



Наманган давлат университетига Наманган шаҳар ҳокимлиги "Шодлик" маданият маркази ҳамда "Адолат" социал демократик партияси ҳамкорлигида "Йилнинг энг фаол "Адолат"чи аёли" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда 10та тумanning фаол партия аъзолари иштирок этди. Учта шарт бўйича беллашган иштирокчиларнинг чиқишлари

ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб берилди. Натижада Поп тумани вакиласи 3-, Косонсой тумани аъзоси 2-ўринларга муносиб топилди. Мингбулоқ туманининг фаол "Адолат"чи аёли 1-ўринни олиб, республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Ғолиб ва иштирокчиларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Аҳмаджон ДЕДАХОНОВ**

"Шодлик" маданият маркази директори



Кадимий ёдгорликлар

# Очиқ осмон остидаги музей



Фаёзтепа эски Термиз шимолидаги милодий I-III асрларга оид будда монастыр-ибодатхона мажмуасидир. Буддавийлар ўз роҳибларини "Бхикшу", роҳиблар яшайдиган ва ўқийдиган ибодатхоналарини "Вихара" деб аташган. Фаёзтепа ёдгорлиги 1968-1976 йилларда қадимшунос Л.И.Альбаум томонидан ўрганилган.

Ёдгорлик уч қисмдан иборат, яъни марказий қисмида ибодатхона, унинг шимоли-ғарбида монастыр, жануби-шарқида эса хўжалик аҳамиятига эга иншоотлар аниқланган. Мажмуанинг умумий майдони 1,5 минг квадрат метрга яқин.

Ибодатхона таркибининг асосий қисмларидан бири ступа бўлиб, у бошқа ибодатхоналардагидек, ҳовлининг ўртасида эмас, балки унинг ташқарисидан, саждагоҳнинг тўғрисида жойлашган. Ступа - Будда ибодатхонасининг энг асосий саждагоҳи ҳисобланади. Ступалар усти тилла суви нақшлар билан, таг қисмлари эса капителилар билан безатилган. Ибодатхонанинг саждагоҳида Будда ҳайкаллари жойлашган, деворлари ранг-баранг деворий суратлар билан безатилган.

Фаёзтепа мажмуасининг

деворлари асосан паҳса ва гиштдан қурилган, уларнинг баландлиги уч метрга-га сақланган. Ибодатхона хўжалик қисмининг жануби-шарқий деворлари яхши сақланмаган. Барча деворлар сомонли лой билан сувалган бўлиб, кўп ҳолларда сувоқ устига оқ рангда жило берилиб, унинг усти рангли расмлар билан безатилган.

Фаёзтепа Эрон сосонийларининг босқинчилик ҳужумлари натижасида харобага айланган. Бешинчи аср ва олтинчи асрнинг биринчи ярмида ибодатхона вайронларидан эфталитлар дахтима сифатида фойдаланганлар. Араблар истилоси даврида Фаёзтепа бутунлай вайрон қилинган, кейинчалик у кўчма қумлар остида қолиб кетган.

Қадимшунос Л.И.Альбаум томонидан олиб борилган ар-

хеологик тадқиқотлар 1976 йилда тугаллангандан сўнг Фаёзтепа ёдгорлиги ҳақидаги маълумотлар фақат шўро давлати ҳудудидаги мутахассислар, тарихчи ва археологларга маълум эди, ҳолос. Чунки ибодатхона ҳақида тадқиқот муаллифи томонидан бармоқ билан санарли кичкина мақолада ёзилган эди. Қазиб очилган ибодатхонанинг ўзи ҳам йиллар мобайнида қор ва ёмғирлар остида аста-секин емирила бошлади.

2002 йилдан Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши туфайли Фаёзтепа буддавийлик ибодатхонаси Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон республикасидаги ваколатхонаси ва Япониянинг

"Траст" фонди томонидан консервация ва қисман таъмирлаш мақсадида танланди. 2004-2006 йиллар давомида қадимий Термизнинг ноёб дурдонаси Фаёзтепа ибодатхонаси очик осмон остидаги музейга айлантирилди, буддавийликни ўрганиш илмий маркази биноси қуриб битказилди. 2007 йилдан эса мажмуа ҳамда унда ташкил этилган буддавийлик тарихи ва маданиятини ўрганиш маркази биноси Термиз Археология музейи балансига ўтказилди.

**Г.БЕРДИЕВА,  
Н.АЛИКУЛОВА,  
Г.САРИЕВА,  
Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи Археология бўлими ходимлари**

## Кисқа сатрларда



5 март кuni Бухоро вилояти Маданият бошқармасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Бинонинг очилиш маросимида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Е.Саъдиев ҳамда Ўзбекистон халқ артисти Э.Комилловлар иштирок этиб, барча маданият ва санъат ходимларини қутладилар.

Тадбирда шунингдек, "Ўзбекконцерт" ДМ вилоят бўлими ҳамда Ўзбекистон давлат филармонияси Бухоро вилоят бўлими томонидан концерт дастури намойиш этилди.

\*\*\*

Сурхондарё вилояти Термиз ихтисослаштирилган санъат мактабининг "Ўқувчилар турар жойи"да Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним таваллудининг 104 йиллиги муносабати билан "Адабиётга эътибор — маънавиятга, кела-

жакка эътибор" шиори остида маънавий-маърифий бадийи кеча ташкил этилди.

Кечада ўқувчилар шоиранинг қаламига мансуб шеърлардан ўқишди, шунингдек, куй ва кўшиқлар ижро этилди.

\*\*\*

2 март кuni Навоий шаҳрида Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўртасидаги республика кўрик-танловининг Навоий вилоят босқичи ўтказилди. Унда мусиқа ва санъатнинг саккиз турдаги йўналиши бўйича вилоятдаги 13та БМСМдан 427 нафар ўқувчи иштирок этди.

Еш истеъдодларни кашф этиш мақсадида ўтказилаётган кўрик-танловда ғолибликни қўлга киритган 127 нафар ўқувчи вилоят маданият бошқармасининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланиб, ҳудудий саралаш босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

\*\*\*



4 март кuni Бухоро вилоят мусиқали драма театрида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кuni муносабати билан мунис ва мўътабар аёлларимиз учун концерт дастури ташкил этилди. Дастурга Ўзбекистон халқ артистлари, устоз санъаткорлар — Ёдгор Саъдиев ва Эркин Комилловлар ташриф буюришди.

Устоз санъаткорлар ўзларининг самимий тилаклари, шеърлари, куй-қўшиқлари билан мунис аёлларимизни қутлашди.

\*\*\*



Сурхондарё вилоятининг Қумқўрган туман кўзи ожизлар кутубхонаси савобли бир ишга қўл урди: бу ерда эндиликда кўзи ожизларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида, даврий нашрлар уларга ўқиб берилди. Ушбу суратда тумандаги Каттақўл маҳалласида яшовчи Тўраҳон Қорахонوف матбуот янгилликлари билан таништирилмоқда.

Эълон

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ



2019 йил 11 апрель кuni бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказлади!

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри Миробод тумани Нукус кўчаси, 18-уйда жойлашган Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокими ижроия маҳкамасининг Молия бўлими балансидagi 2010 й. и/ч, д/р 01/760BCA, бошлангич нархи 21 753 692 сўм бўлган "НЕКСИЯ-ДОНС-2" русумли;

Тошкент ш. Миробод тумани Истикбол кўчаси, 4-уйда жойлашган Тошкент Фотосуратлар уйи балансидagi 2006 й. и/ч, д/р 01/476TAA, бошлангич нархи 16 074 500 сўм бўлган "НЕКСИЯ" русумли автотранспорт воситалари қўйлади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошлангич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридagi зақалат пули "TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотекабанк" Шайхонтохур филиалидаги ФА:00425, СТИР: 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган зақалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тўзилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари қоридa белгиланган савдо кунидa сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафтааларнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабгорлар уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг қоридa кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00да бошланади ва куйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри Миробод тумани Амир Темир шох кўчаси, 16-А уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS\_MCHJ@mail.ru

Шунингдек, "TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO" МЧЖ томонидан 2019 йил 21 ва 28 февраль кунлари ўтказилган очик аукцион савдоси натижаларига кўра, "HUQUQ VA BURCH" ижтимоий-ҳуқуқий журнали балансидagi 2та "GREE GWH12 MB-KINNC5A" русумли кондиционер ҳар бири - 950 000 сўмга; 3та "Roison Rac 9NRE" русумли кондиционер ҳар бири - 610 000 сўмга; Ўзсаноатқурилишбанк АТБ хузуридаги Амалиёт бошқармаси балансидagi д/р 01/346DEA бўлган "LACETTI" - 29 000 000 сўмга; "Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси балансидagi д/р 01/224NCA бўлган "DAMAS" - 40 100 000 сўмга; "MODDIY-TEKNIK TA'MINOT BOSHQARMASI" ДК балансидagi д/р 01/190ACA бўлган "КАМАЗ 5410" русумли автотранспорт воситаси ва унга уланган д/р 01/2874AA бўлган "МАЗ 9397" русумли ярим трикама (бортли) - 92 000 000 сўмга сотилгани маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

Тадбир

## Баҳорий мақом кечаси

Навоий шаҳридаги “Ширин” маданият саройида вилоят маданият бошқармаси тасарруфидаги “Мақомчилар” ҳамда Навоий ихтисослаштирилган маданият мактабининг “Баҳор” рақс ансамбллари иштирокида мақом кечаси ташкил этилди.

Тадбир қатнашчилари ўзбек миллий мақом санъати марказидан ташриф бу-

юрган устозлар — Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи Махмуджон Тожибоев, ўзбек миллий мақом санъати маркази “Устоз-шогирд мактаби” бўлими устози, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, доцент Аҳмаджон Дадаев, марказ бош администратори Шохруҳ Раббимқуловлар ижроларидан баҳраманд бўлишди.



Реклама ҳуқуқи асосида

## Қалбларга сеҳрли наво улашиб...



Юртимизда айнан муסיқий йўналишга ихтисослашган таълим муассалари кўп. Уларда фарзандларимизга жуда кичик ёшидан соҳа ҳақида кенг ва профессионал билим берилади, шу билан бирга болалардаги иқтидор ривожлантирилади. Андижон вилояти Маданият бошқармаси тасарруфидаги Т.Содиқов номли 7-муסיқага ихтисослаштирилган мактаб-интернати ҳам шулар жумласидан.

Ушбу таълим даргоҳи 1960 йилдан кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига таълим берувчи мактаб-интернат сифатида иш бошлаган. 1973 йил 10 апрелдан эса муסיқа мактаб-интернатига айлантирилган.

Ўз фаолиятини муваффақиятли давом эттириб келаётган муסיқа мактаб-интернатида бугун 78 нафар ўқитувчи болаларга таълим беради. Уларнинг 52 нафари олий маълумотли, 26 нафар ўрта махсус муסיқий маълумотга эга бўлган мутахассислар ҳисобланади.

Айни пайтда мактаб-интернат ҳудудида 360 ўринли барча қулайликларга эга ўқувчилар ётоқхонаси мавжуд. Ётоқхона анжомларини ювиш-қуриштиш учун кирхона ташкил қилинган. Машғулотлардан сўнг ўқувчилар билан шуғулланувчи 20 нафар

тарбиячи, 4та тунги навбатчи-тарбиячи фаолияти йўлга қўйилган. Таълим масканининг 175 ўринли ошхонасида ҳам ўқувчилар 4 маҳал овқатланиши учун барча шароитлар яратилган.

Директор Адҳамжон Исмоилов раҳбарлигидаги мактаб жамаоиси ўқувчиларнинг билим олиши, яшаши ва муסיқий ижрочилик маҳоратини ошириш учун тинимсиз изланиш олиб бормоқдалар. Мавжуд олти бўлимда катта-кичи халқ чолғулари оркестрлари, дамли ва урма зарбли асбоблар ор-

кестри, дуторчилар, чангчилар, чертма торли асбоблар ансамбллари иш олиб бормоқда. Мактаб ўқувчилари ҳар йили турли халқаро ва республика танловларида, фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб, нуфузли ўринларни қўлга киритиб келишмоқда. Шулардан бири Обиджон Тошгемиров бўлиб, у ўтган йили Россиянинг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган “Салют талантов” халқаро кўрик-танлови лауреати ҳамда I-даражали диплом билан тақдирланган.

Таълим даргоҳида устоз-шогирданъаналари асосида таниқли

соҳа вакиллари билан тез-тез учрашувлар ўтказилади. Шунингдек, мактаб-интернат жамоаси 11 йилдан буён вилоят театр саҳнасида йиллик ҳисобот концерти ташкил қилиб келмоқда. Мактабда фаолият олиб бораётган “Шодиёна” оркестри, “Шодлик” ва Мақом ансамблларининг концерт дастурларида эса барча сеҳрли муסיқа олами мўъжизаларидан баҳра олади ва болаларни мурғаклигидан санъатга ошно этиш йўлида заҳмат чекаётган устозлар меҳнатига тасаннолар айтади.



**МАДАНИЯТ** ОВУНА ИНДЕКСИ: 285

**МУАССИСЛАР:**  
“Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, «Dildosh media» МЧЖ

**Бош муҳаррир**  
Дилбаҳор Худойбердиева  
**Тахририят манзили:**  
100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.  
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқланиши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

**Нашр учун масъул:** Муҳаббат Шарифова  
**Навбатчи муҳаррир:** С.Рихсиева  
**Навбатчи:** Н. Содиқова  
Адади - 10 070 Буюртма - Г - 327  
Сотувда келишилган нархда  
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета “Шарқ” нашриёт-мағбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 42. Босмахонага топшириш вақти - 20.30  
Топширилди - 20.30  
1 2 3 4 6